

“Hududgazta`minot” АЖнинг
2021 йил “04” 10 даги
№ 294 сонли буйруғига
6- илова

“Hududgazta`minot” АЖ
тендер ўтказиш бўйича харид комиссияси фаолияти тўғрисидаги
НИЗОМ

Тошкент-2021 йил

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, консолидатсия қилинадиган давлат бюджети, ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳамда халқаро ва хорижий молия ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган хорижий грантлар, шунингдек, корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан импорт қилинадиган ва Ўзбекистон Республикасига ишлаб чиқариладиган хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва ускуналар (кейинги ўринларда - товарлар) харид қилиш учун тендер савдолари (кейинги ўринларда - тендерлар) ўтказилишини ташкил этиш механизмини белгилайди.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан сотиб олишнинг бошқа тартиби белгиланадиган товарларга татбиқ этилмайди.

3. Тендерлар бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш минг бараваридан ортиқ миқдорда товар етказиб берилганда ўтказилади, харидлар энг яхши танлов таклифларини танлаш асосида амалга оширилади.

4. Тендерларда иштирок этувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) билан ҳисоб-китоблар "сўм" миллий валютасида амалга оширилади.

5. Тендерларни ташкил этишнинг асосий принциплари қарорлар қабул қилишда ошкоралик ва холислик, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) устуворлигини сақлаб қолган ҳолда тендер иштирокчилари учун тенг рақобат шароитларини яратиш ҳисобланади.

2. Тендерларни ташкил этиш

6. Тендерлар тендерларни ўтказиш бўйича вақтинчалик орган бўлган тендер комиссияси томонидан ўтказилади. Тендер комиссияси "Hududgazta`minot" АЖ (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади) томонидан бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 000 (йигирма беш минг) бараваридан ортиқ миқдорда товарлар ва иш, хизматлар хариди амалга оширилиши белгиланганда тузилади.

7. Тендер комиссияси аъзолари миқдори тоқ сондан (камида 7 киши), жамият вакиллари билан иборат бўлади

Тендер комиссияси аъзоларини тайинлаш учун Жамият жавобгардир.

8. Тендер ўтказилишини амалий ташкил этувчи асосий орган тендер комиссиясининг ишчи органи бўлиб, у шартнома асосида ихтисослаштирилган ташкилот ёки буюртмачи бўлиши мумкин.

9. «Hududgazta`minot» АЖ идоралараро тендер комиссиясининг ишчи органи «Hududgaz Komplektatsiya» УК ҳисобланади.

10. Тендер ўтказиш вақтида ишчи орган:

- мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб қилган ҳолда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) бошланғич нархини белгилайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

- тендерларни ўтказиш, уларни ўтказиш санаси тўғрисида қарор қабул қилади ва тегишли қарорни чиқаради ёки тендерларни ўтказиш учун зарур

- бўлган техник, тижорат ва ташкилий маълумотларни кўрсатган ҳолда тендер комиссиясининг ишчи органига расман мурожаат қилади;
- ишчи органнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва тендер комиссияси ишида иштирок этади;
 - давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги эълонни ўз расмий веб-сайтида ёки унинг юқори турувчи органида жойлаштиради, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилади;
 - харид амалиётининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтиради;
 - харид амалиётининг иштирокчиларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда улар берган таклифларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилади;
 - харид амалиётини тендер шаклида ўтказишда иккинчи босқич якунлари бўйича тендер ғолиби билан нархни пасайтириш бўйича музокаралар олиб боради.
 - буюртмачи қонун ҳужжатларига ва у тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
 - мазкур Қонунга мувофиқ харид амалиёти турини танлаш тўғрисида қарор қабул қилади;
 - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат харидларини амалга оширади;
 - тендер ҳужжатларини тайёрлаш учун шарт-шароитларни белгилайди;
 - тендерларни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплайди;
 - тендер ғолиби билан шартнома тузади.
 - буюртмачи қонун ҳужжатларига ва у тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.
11. Ишчи орган буюртмачи билан келишилган ҳолда:
- савдо амалиёти ва унинг расмийлаштирилиш тартибини белгилайди;
 - тендер ҳужжатларини ишлаб чиқишни ташкил этади;
 - махсус ахборот порталида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни жойлаштиради, фақат бунда молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлигини тасдиқланиши лозим;
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ харид амалиёти иштирокчиларига товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидлари амалиёти билан боғлиқ сўровлар бўйича тушунтиришлар беради;
 - жалб этилган экспертлар ва маслаҳатчилар фаолиятини мувофиқлаштиради;
 - аризаларни қабул қилади, уларнинг ҳисобини, хавфсизлигини ва махфийлигини таъминлайди.
 - ғолиб деб топилган харид амалиёти иштирокчилари билан шартномалар тузади, шунингдек уларнинг бажарилишини таъминлайди;

3. Тендер турлари

12. Ўтказиш усулларига қараб тендерлар очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Тендер ўтказиш тури буюртмачи томонидан белгиланади.

13. Мулк шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар очик тендерларда иштирок этишлари мумкин.

14. Ёпиқ тендерлар истисно ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика ва кимё саноатини ривожлантириш котибияти билан келишилган ҳолда, буюртмачи томонидан олдиндан белгиланган ташкилотлар иштироқида таклифномалар юборилган ҳолда ўтказилади.

4. Тендерни ўтказиш босқичлари

15. Тендерни ўтказиш босқичлари:

- тендер предмети ва молиялаштириш манбасини аниқлаш;
- тендер ҳужжатларини тайёрлаш;
- оммавий ахборот воситаларида тендерни эълон қилиш ва / ёки потенциал товар етказиб берувчиларга тендерда иштирок этиш учун таклифномалар юбориш;
- тендер иштирокчиларидан тендер таклифларини қабул қилиш;
- буюртмачининг техник мутахассисларини жалб этган ҳолда тендернинг потенциал иштирокчиларини аниқлаш;
- тегишли мезонлар бўйича келиб тушган таклифларни баҳолаш ва тендер қолибини аниқлаш;
- тендер қолиби билан шартнома тузиш.

5. Тендер бўйича эълонларни тайёрлаш ва нашр қилиш

16. Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида 12 (ўн икки) иш куни ва кўпи билан 30 (ўттиз) иш куни олдин махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига жамиятнинг тендер ўтказувчи харид комиссияси ишчи органи томонидан жойлаштирилади.

Харид қилинаётган товарнинг ўзига хослиги, етказиб беришнинг долзарблиги ва бошқа белгилар билан белгиланадиган ёпиқ тендерларда оммавий ахборот воситаларида тендер ўтказилиши тўғрисида эълон қилинмайди.

17. Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон қуйидаги ахборотни ўз ичига олиши керак:

- тендерни ўтказиш шакли;
- товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошланғич нархи;
- тендер ўтказиладиган жойнинг манзили;
- тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;
- жамият буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

- таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;
- тендер таклифини расмийлаштиришга доир талаблар.

6. Тендер ҳужжатларига қўйиладиган талаблар

18. Тендер ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;
- шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;
- тендерда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;
- тендер иштирокчиси таклифининг техник ва нархга оид қисми, уларни баҳолаш тартиби ҳақидаги ахборот;
- тендер иштирокчиларига тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;
- техник топширик;
- тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;
- тендер иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризани тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

19. Тендер иштирокчиси учун йўриқнома қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тендер комиссияси ишчи органининг вакили билан боғланиш учун берилган манзил ва алоқа телефонлари, улар орқали тендерни ўтказиш бўйича тушунтиришлар олиш мумкин;
- тендер комиссияси манзилига юбориладиган тендер таклифининг нусхалари сонини кўрсатиш;
- тендер таклифини расмийлаштириш тартиби ва унинг шаклига қўйиладиган талаблар;
- тендер комиссиясига тақдим этилгандан кейин тендер таклифига ўзгартиришлар киритиш ва расмийлаштириш тартиби;
- нархлар ва валютани тақдим этиш бўйича кўрсатма;
- таклифни тендер комиссиясига ўтказиш тартибига қўйиладиган талаблар;
- тендер иштирокчисининг келишилган муддат ичида таклифнинг қайтарилмаслигини кафолатлайдиган пул бадалини киритиш ва қайтариш тартиби;
- буюртмачининг ихтиёрига кўра-тендер натижалари бўйича тузилган шартноманинг тўғри бажарилиши бўйича пул кафолатини (гаров кўринишида) киритиш ва қайтариш тартиби;
- тендер ҳужжатлари талабларига асосланган таклиф билан бир қаторда тендер иштирокчиси томонидан қарши таклифлар бериш имконияти тўғрисидаги ахборот;

- тендер иштирокчисининг асосланган илтимосига биноан тендернинг яқунланиш кунини бошқа санага ўтказиш имкониятини кўрсатиш;

- ҳар қандай тендер ҳужжатлари ва амалиётининг махфийлигига ҳавола кўрсатиш;

- таклифлар келтирилган конвертларни очиш тартибининг тавсифи ва тендер ғолибини тендер комиссияси томонидан аниқлаш муддати.

Тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон қонунчилиққа зид бўлмаган бошқа ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

20. Тендернинг техник қисми харид қилинаётган товарга нисбатан зарур технологик талабларни ўз ичига олади.

21. Тендер ҳужжатларининг тижорат қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- товарлар нархи, унда юкни ташиш нархи ҳам қўшиб кўрсатилади;

- етказиб бериш шартлари;

- тўлов шартлари ва жадвали;

- битимни молиялаштириш манбаи.

22. Шартноманинг шакли халқаро савдо ҳуқуқининг умумэътироф этилган нормаларига, амалдаги қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак.

7. Тендер иштирокчилари

23. Тендерларда кўрсатилган шартларни бажарган ва сотиб олинadиган товарларни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) тендерда иштирок этадилар.

24. Тендерда иштирок этишни истаган талабгорлар тўлов амалга оширилганидан кейин тендер ҳужжатларини оладилар, уларнинг миқдори тендер комиссияси томонидан белгиланади. Маҳаллий етказиб берувчилар тендер ҳужжатлари учун тўловни сўмларда амалга оширадилар.

25. Ишчи орган келиб тушган аризалар ва ушбу Низом асосида талабгорларни дастлабки саралаш учун материалларни тўплайди ва тизимлаштиради.

8. Тендерда иштирок этиш учун талабгорларни танлаш

26. Тендер бошлангунга қадар тендер комиссияси тендерда иштирок этишга йўл қўйилаётган талабгорларни танлаб олади.

27. Тендерда иштирок этишга қуйидаги ташкилот ва компаниялар йўл қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичидаги компаниялар;

- малакавий танлов учун белгиланган муддатда барча зарурий ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

- илгари тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлар;

- тендер эълон қилинишидан 6 ойдан кам вақт олдин таъсис этилган;

- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси босқичида бўлган;

- тижорат ва молиявий кўрсаткичлар бўйича тендер комиссияси талабларига жавоб бермайдиган.

28. Танланган иштирокчилар рўйхати тендер комиссияси томонидан тасдиқланади.

29. Тендерда иштирок этишга рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги қарор тендер комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу ҳақда ишчи орган ариза берувчиларни қарор қабул қилингандан кейин уч кун ичида ёзма равишда хабардор қилади.

9. Тендерларни ўтказиш регламенти

30. Тендернинг очилиш санаси оммавий ахборот воситаларида тендер ўтказилиши тўғрисидаги хабар расмий эълон қилинган сана ёки тендер иштирокчисининг почта, факс ёки бошқа шаклда расмий билдиришномаси (таклифномаси) санаси ҳисобланади.

31. Ўтказилаётган тендерлар доирасида тендер таклифларини тайёрлаш муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади ва тендер эълон қилинганида кўрсатилади.

32. Тендер комиссияси тендернинг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган тендер таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

33. Тендер комиссияси ўз ишининг регламентини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Ушбу масала бўйича қарор тендер комиссияси аъзоларининг умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

34. Ҳар бир алоҳида ҳолатда тендер комиссияси буюртмачи ёки ишчи органнинг ҳисобига тендерда иштирок этиш учун талабгор томонидан киритиладиган депозит шаклини (харид ҳисоб-китоб қийматининг 1-5%) киритиш тартибини ва миқдорини белгилайди (агар ишчи орган ихтисослаштирилган ташкилот бўлса). Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) депозитлари сўмда киритилади.

35. Тендер таклифлари фақат муҳрланган икки конвертда қабул қилинади. Ишчи органнинг номи ва манзили кўрсатилган ташқи конвертда тендер иштирокчиларининг депозити киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши лозим. Ички конвертда-савдо рақами, маҳсулот номи ва таклифларни қабул қилиш учун белгиланган сана. Барча ҳужжатлар келиб тушган сана ва вақт кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинади, буюртмачини ёки ишчи органни тикилган, рақамланган ва муҳр билан тасдиқланган рўйхатга олиш китобида ҳужжатни қабул қилган шахснинг имзоси қўйилади.

36. Тендер комиссияси тендер буюртмалари қабул қилинган охири санани, конвертлар очилган вақт ва жойни белгилайди. Кўрсатилган санадан кейин олинган таклифлар кўриб чиқилмайди ва конвертлар очилмасдан тендер иштирокчиларига қайтарилади. Тендер иштирокчиси тендер таклифлари қабул қилинган охири санадан камида 5 кун олдин ўз таклифини қайтариб олиш

ҳуқуқига эга. Агар тендер иштирокчиси юқоридаги санадан кейин ўз таклифини ўзгартирса ёки бекор қилса, унга депозит қайтарилмайди.

37. Тендер ўтказилиши мажлисда тендер комиссияси таркибининг камида 70 фоизи мавжуд бўлган тақдирда, унинг якунлари бўйича тендер таклифларини кўриб чиқиш баённомаси тузилиб, уларнинг тўлиқлиги ва тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги кўрсатилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

38. Тендер таклифларини кўриб чиқиш муддати конвертлар очилган пайтдан бошлаб тендер комиссияси томонидан белгиланади, у харид қилинаётган товарларнинг турига, таклифларнинг техник ва бошқа параметрларини баҳолашнинг мураккаблигига қараб, 3 ойдан ошмаслиги керак.

39. Тендер комиссияси келиб тушган таклифларнинг тендер шартларига мувофиқлигини текширади ва ғолибларни энг рақобатбардош нархлар, етказиб бериш, тўлов шартлари ва тендер шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлайди.

Қолган барча шартларда тенглик бўлса, ғолибни аниқлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга (етказиб берувчиларга) устунлик берилади.

40. Тендерни ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари, шунингдек эксперт ташкилотлари ва мутахассислар хизматлари сотиб олинган тендер ҳужжатлари учун иштирокчилар томонидан киритилган маблағлар ҳисобидан тўланади.

41. Тендер ўтказилгандан сўнг, банк операцияларини ўтказиш харажатларини чегириб ташлаб ишчи орган иштирокчиларга (ғолиб бундан мустасно) уларнинг депозитларини қайтариб беради. Депозит тендер ғолиби эълон қилинган кундан бошлаб 11 банк кунидан кечиктирмай қайтарилади. Шартнома тўғри бажарилиши кафолати сифатида тендер ғолибининг бадаллари тендер ғолиби шартнома шартлари бажарилгунга қадар тендер буюртмачисининг ихтиёрида бўлиши мумкин.

42. Тендерда иштирок этиш ҳуқуқини бошқа юридик шахсларга топширишга йўл қўйилмайди.

43. Тендер қуйидаги ҳолатларда тендер комиссияси томонидан ўтказилмаган деб эълон қилиниши мумкин:

- тендер якунланиш муддати тугагунга қадар таклифлар қабул қилинмади ёки таклиф фақат битта иштирокчи томонидан тақдим этилди;

- барча тендер таклифларида тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқ керакли ҳужжатлар тўплами мавжуд эмас.

10. Тендер таклифларини баҳолаш тартиби

44. Тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган муддатда амалга оширилади. Таклифларни баҳолаш ҳар бир тендер комиссияси томонидан белгиланган баҳолаш мезонлари бўйича балларни қўйиш йўли билан амалга оширилади. Тендер иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари тендер таклифларини баҳолашда иштирок этишга ҳақли эмас. Баҳолаш жараёнида тендер комиссияси талабгорларни улардан қўшимча маълумот олиш ва тушунтириш бериш учун уларни сўроққа чақириш ҳуқуқига эга. Тендер

яқунлари сарҳисоб этилганда, унда тендер иштирокчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

45. Тендер комиссияси баҳолаш учун эксперт ва маслаҳат ташкилотлари вакилларининг таклифларини жалб қилиши мумкин.

46. Тендер таклифларининг техник қисмини кўриб чиқиш жараёнида комиссия томонидан жалб этилган экспертлар ва маслаҳат ташкилотлари вакилларига хулосалар тайёрлаш учун зарур бўлган тушунтиришлар ва/ёки изоҳлар олиш учун тендер савдолари иштирокчиларидан қўшимча маълумот олиш ҳуқуқи тақдим этилади.

47. Тендер савдолари иштирокчилари кўриб чиқиш вақтида техник хусусиятларни ўзгартириш ҳуқуқига эга эмаслар.

48. Тендер савдолари иштирокчилари ўз тижорат таклифларини қатъий равишда 2-шакл (DDU шартларидаги нархни кўрсатиш, бунда тендер ўтказиладиган техник топшириққа мувофиқ тўлиқ тўпла назарда тутилиши керак)га мувофиқ тақдим этиши керак.

49. Тендер ғолиби тўғрисидаги расмий қарор тендер комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

50. Тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар баҳолаш жараёнига расман алоқаси бўлмаган шахсларга билдирилмайди.

Тендер комиссияси аъзолари ва жалб этилган экспертлар ушбу маълумотни ошкор қилмаслик учун масъулдирлар.

51. Талабгорнинг тендер таклифида арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда тендер комиссияси таклифни рад этишга ёки тендер иштирокчисини хабардор қилиб, тендерда тендер таклифини янада кўриб чиқиш шартларини белгилашга ҳақли.

52. Тендер таклифларини баҳолаш ва тендер ғолибини аниқлаш бўйидагилар асосида амалга оширилади:

- тендер ҳужжатларида белгиланган мезонлар;

- консалтинг фирмаларининг хулосаси бўйича тавсия этилган нархларнинг ўртача дунё ва мавжуд бозор конъюнктурасига, ёки Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Республика марказига ёки Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳузуридаги товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш бўйича марказ хулосаларига мувофиқлиги.

Шунингдек, тақдим этилган тендер таклифларининг қўшимча техник, ташкилий ва тижорат афзалликлари, шунингдек тендер иштирокчиси обрўси ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

53. Тендер комиссиясининг тендер ғолиби тўғрисидаги баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- тендер ғолиби ва тендер ғолибидан кейин энг юқори балл тўплаган резерв катнашчиларининг номи;

- тендер комиссияси таркиби;

- овоз бериш натижалари;

- тендер иштирокчиларининг тендер таклифларининг йиғма жадвали;
- тендер ғолиби билан шартнома имзолаш муддатлари .

Баённома тендер комиссиясининг ҳозирги аъзолари томонидан кўриб чиқилади ва тендер комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

54. Агар тендер ғолиби шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуқи биринчи резерв иштирокчисига ўтади.

55. Агар тендер ўтказилмаса ёки салбий натижа бўлса, тендерни қайта ўтказиш мумкин.

56. Тендер натижалари 3 кун мобайнида ишчи орган томонидан оммавий ахборот воситаларида (тендер очиқ ўтказилганда) эълон қилинади.

11. Тузилган шартномаларнинг бажарилишини кафолатлаш ва мониторинг қилиш

57. Зарур ҳолларда, тендер ғолиби шартномани бажариш кафолати сифатида шартнома умумий миқдорининг ўн фоизигача бўлган суммани буюртмачига, унга хизмат кўрсатувчи банкдаги корреспондентлик ҳисоб рақамига эга бўлган банк кафолати шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини ёки буюртмачи ҳисобига пул депозитини киритишни таъминлайди.

58. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларида импорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, шартномаларнинг бажарилишини мониторинг қилиш буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Жавобгарлик

59. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагилар учун белгиланади:

- ишчи орган таркибига кирувчи шахслар кирувчи тендер таклифларини ҳисобга олиш, уларнинг сақланиши ва махфийлиги учун;

- ахборотни ошкор қилиш, тендер иштирокчилари, тендер комиссиясининг бошқа аъзолари ва жалб этилган экспертлар билан, шунингдек бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар сабаб шартнома тузиш учун тендер комиссияси раиси ва аъзолари.

60. Шартномани миқдорий, сифат ва техник параметрлар бўйича бажармаган танлов ғолиби қонун ҳужжатларида ва / ёки шартномада назарда тутилган жавобгарликни ўз зиммасига олади.